



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 24 апрель • сешанба • № 48 (4021)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕХМОНЛАРИГА

**Хурматли кўргазма иштирокчилари! Туркменистоннинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари раҳбарлари! Қадрли дўстлар!**

Туркменистон Президенти хурматли Гурбангули Миялигулиев БЕРДИМУХАМЕДОВНИНГ Ўзбекистон Республикасига давлат ташири доирасида Тошкентда ўтказилаётган Туркменистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини улкан мамнуният билан самимий қутлайман.

Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклардир. Бизнинг халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги мустаҳкам боғлаб келади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик қатъий сиёсий ирода ҳамда олий даражадаги самарали учрашулар давомида эришилган келишувларни биргаликда амалга оширишимиз тўғрисида янги ривожланиб, аниқ маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор

йўналишини савдо-иқтисодий соҳа ташкил этилади. Ўтган қисқа даврда биз бу борада ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга молик натижаларга эришдик.

Кейинги йилларда биринчи марта ўзаро савдо ҳамжи жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Мамлакатларимиз корхоналари ва ташкилотлари ўртасида иқтисодийнинг анъанавий равишда бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида кооперация алоқалари кучаймоқда.

Бу ўринда аввало ёкилги-энергетика мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, темир йўл транспортини модернизация қилиш ва бошқа кўплаб соҳалардаги лойиҳалар ҳақида сўз бормоқда.

Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбилармонлик алоқалари ҳамда ҳудудлараро мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилмоқда.

**Муҳтарам дўстлар!**

Бундан бир ой олдин Ашхобода Туркменистон Президентининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси муваффақиятли ўтказилган ва у туркменистонлик шерикларимизда катта қизиқиш уйғотган эди.

Бугун биз мамлакатимизнинг нафақат ишбилармон доиралари, балки бугун жамоатчилигининг эътибор марказида турган Туркменистон миллий кўргазмасини очмоқдамиз.

Кўргазма мажмуасида бугунги Туркменистон иқтисодийнинг улкан салоҳияти ва юксак эътирофга молик ютуқлари, унинг бой табиий, илмий ва интеллектуал ресурслари, замонавий технологиялари кенг намойиш этилмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда ташкил этилган ёрқин экспозиция қардош туркман халқининг қадимий ва ноёб маданияти ҳамда анъаналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Туркменистоннинг халқаро микроскопда эътироф этилган барча ютуқлари хурматли Гурбангули Миялигулиев БЕРДИМУХАМЕДОВНИНГ чуқур уйлан-

ган, самарали сиёсати натижаси эканини алоҳида қайд этишни истардим.

**Қадрли кўргазма иштирокчилари ва меҳмонларини!**

Сизларни икки томонлама муносабатларимиздаги қутлуғ воқеа — Ўзбекистон пойтахтида Туркменистон миллий кўргазмаси очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ишончим комил, кўргазма якунида иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги савдо шартномалари ва битимлар имзоланади.

Барчангизга кўргазмада самарали иш олиб бориш, муваффақиятли музокаралар ўтказишни тилайман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### КҮН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қобул ва Пули-Хумри шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Ганига мактуб йўллади.

Президент матбуот хизмати ҳабарига кўра, Шавкат Мирзиёев ўз мактубида Афғонистон халқи, марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Абдулла Қўлдошев Фавкуллода вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу ҳақда вазирлик сайтида расмий хабар берилган.

Абдулла Қўлдошев бунгача Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институти бошлиғи лавозимида фаолият юритган. 2005 — 2007 йилларда ички ишлар вазирини ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

Фарход Эрманов Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Фарход Эрманов 1995 — 1998 йилларда Амударё тумани ҳокими, 2004 — 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири, 2010 йилдан буён Беруний тумани ҳокими лавозимларида фаолият юритган.

Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимига генерал-майор Ғайрат Қолиров тайинланди. Илгари Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган полковник Рустам Турсун Навоий вилояти ИИБни бошқарадиган бўлди.

Олмazor тумани Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлар иттифоқи» маданият саройида «Ўзбекистон Кўрғон мусобақаси — 2018»нинг республика босқичи давом этмоқда.

Ҳамамага бирдек қулайлик туғдириш мақсадида Кўрғон мусобақаси 16 та ҳудудда онлайн тарзда трансляция қилинмоқда.

Маълумотларга кўра, мусобақанинг Ҳифз йўналиши бўйича 1-ўрин соҳибига Президент совғаси сифатида автомобиль, Тиловат йўналиши ғолибига Ҳаж йўланмаси берилди.

«GM Uzbekistan АЖ» матбуот хизмати хабарига кўра, «Chevrolet Orlando» русумли автомобиль ишлаб чиқарилиши 16 апрелдан бошлаб тўхтатилади.

Яқин келажакда Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати иштирокчиларидан бири бўлмиш пиледалар учун қулайлик яратиш мақсадида 22 та ерусти пиледа ўтиш кўприклари барпо этилади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлиғи Барат Маменов Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-техник медиа марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда маълум қилди.

Интернет нашрлари ва ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

## ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ — ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Туркменистон Президенти Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВНИНГ Ўзбекистонга давлат ташири доирасида Тошкентда Туркменистон миллий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Унда қўшни давлатнинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари, йирик тадбиркорлик субъектлари иштирок этиб, миллий маҳсулотлар, иқтисодий соҳасидаги илғор технологиялар, хизматларни намойиш этмоқда.



» 2

Сўз — иштирокчиларга

### Муҳим анжуман бўсағасида

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН 24-26 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА «ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ: ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТАДИ. УШБУ НУФУЗЛИ АНЖУМАНДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАШРИФ БУЮРГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ МАЗКУР АНЖУМАН ҲАҚИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИК.



**Мария Хелена АНДРЕ,**  
Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV) директори:

— Ўзбекистонда ўтказилаётган ўта муҳим ва нуфузли тадбирда илк бор иштирок этиш имкониятига эга бўлиб турганимдан хурсандман. Кези келганда таъкидлашни истардимки, мана бир неча йиллардан бери меҳнатқашлар фаолияти бўйича ХМТ Бюроси билан ҳамкорлик қиладиган ушбу давлат биз учун устувор мамлакатлар рўйхатидан

жой олиб келмоқда. Бу юртингизда аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик, муносиб меҳнат шароити ҳамда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишларида амалга оширилган катта ишлар самарасидир. Эътиборли жиҳати, қасаба уюшмалари ўзининг асосий вазифалари билан бир қаторда, мамла-

## Ўзбекистон — Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тову, ахил-инок яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка асос бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида илк хоржий ташири 2017 йил 6-7 март кунлари Туркменистонга бўлган эди. Мазкур тарихий ташир Ўзбекистон ташири сифатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганининг ёрқин далили, давлатимиз раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишининг ифодаси сифатида эътироф этилди.

Дўстона учрашув ва музокараларнинг асосий натижаси ўларок, икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули БЕРДИМУХАМЕДОВНИНГ яқин дўстлиги, ўзаро самимий хурмати ва ишончи мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Президентларнинг ҳар бир учрашуви икки давлат муносабатлари кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Президентимизнинг ўтган йил май ва сентябрь ойларида Туркменистонга амалий таширлари чоғида икки давлат раҳбарлари учрашиб, ҳамкорликнинг кенг қамровли йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бу галги учрашуви ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотнинг мангикий давомидир.

Таширнинг асосий тадбирлари Қўсарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий қутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказдилар.

Президентимиз Туркменистон Президентини Ўзбекистон заминиде самимий қутлаб, ушбу ташир мамлакатларимиз муносабатлари ривожига муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади. — 2017 йил мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига тарихий йил бўлди. Ўзбекистон Президенти Туркменистонга уч мартаба ташир билан борди. Бу мамлакатларимизнинг стратегик даражадаги муносабатларига янги суръат бахш этди, эришилган келишувлар амалга оширилишига жиддий туртки берди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 55 фоиз ўсди. Бу, албатта, ўтган йилги келишувларимиз натижасидир. Олий даражадаги бу галги музокаралар ушбу суръатни янада ошириш йўлида жиддий кадам бўлади. — деди Шавкат Мирзиёев.

41 Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига таклифи учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда мутасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

— Туркменистон ва Ўзбекистон тинчлик-севар давлатлар, яхши кўшнилари сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун яхши имкониятдир. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Минтакавий хавфсизликни мустаҳкам-

лаш мамлакатларимиз ҳамкорлигида алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон ва Туркменистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг самарали механизмларини яратиб бораётганидир. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича яқинда фикрга эга.

Учрашувда терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланishi, транс-миллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 март кунини Қозғоғистоннинг Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Гурбангули Бердимухамедовга миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтакавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокаралар икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, нефть-кимё, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, сарқил ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё, тайёр текстиль маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга

ланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 фуқароси таҳсил олмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спорт делегацияси 2017 йилнинг сентябрь ойида Ашхободда ўтган V Ёшлар олимпиадасида ва жанг санъатлари бўйича Осиё ўйинларида иштирок этди. Ноябрь ойида Туркменистонда Ўзбекистон маданий куналари ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида мамлакатимиз санъат усталари ва мада-

лик тўғрисида ҳамда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйлари ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки томонлама ҳамкорликни кишлоқ хўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, касба уюшмалари ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат касба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталари ўртасида Англашув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида Англашув меморандуми шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташриф доирасида олий ўқув юртлири ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида оид 15 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очик, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлок истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг, Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов хайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқлари боқий дўстлиги ҳамда қардошлигининг рамзи сифатида Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Махтумқули кўчасига ташриф буюрди. Президентлар машҳур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Яхлит ансамблга айланган бу хиёбон Гурбангули Бердимухамедовга катта таассурот қолдирди. Туркман халқи, адабиёти ва маданиятига қўрсатилаётган хурмат-эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи шарафига Махтумқули кўчасида «Ашхобод сайлгохи» барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайлгохнинг очилиш маросимида катнашдилар.

Президентлар богда яратилган шароитлар билан танишди. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик алоқаларининг рамзи сифатида «Ашхобод сайлгохи»га қўчат ўтказди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

# Ўзбекистон — Туркменистон: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти бу борада аниқ амалий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Мазкур комиссиянинг жорий йил 1 март кунини Тошкентда ўтказилган учрашувини савдо-иқтисодий алоқалар мустаҳкамлашида яна бир қадам бўлди.

Турли даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда. Март ойида Ашхободда Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Шу кунларда пойтахтимизда Туркменистон миллий кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтмоқда.

Музокараларда бундай кўргазмаларни мунтазам ўтказиш, савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, транспорт, кишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз минтақада йирик энергетик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Йилга 25 миллиард куб метр газга газ етказиш қувватига эга Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғоғистон — Хитой газ қувури лойиҳаси шулар жумласидандир.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Амурарё устида қурилган Туркманобод — Фараб автомобиль ва темир йўли кўприклари бунинг тасдиғидир. Мазкур кўприклар Президентимизнинг 2017 йил март ойида Туркменистонга давлат ташрифи чоғида тантанали равишда очилган эди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига ай-

ланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 фуқароси таҳсил олмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спорт делегацияси 2017 йилнинг сентябрь ойида Ашхободда ўтган V Ёшлар олимпиадасида ва жанг санъатлари бўйича Осиё ўйинларида иштирок этди. Ноябрь ойида Туркменистонда Ўзбекистон маданий куналари ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида мамлакатимиз санъат усталари ва мада-

лик тўғрисида ҳамда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйлари ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки томонлама ҳамкорликни кишлоқ хўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, касба уюшмалари ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар қабул қилинди. Ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат касба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталари ўртасида Англашув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида Англашув меморандуми шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташриф доирасида олий ўқув юртлири ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларида оид 15 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очик, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серкирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлок истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг, Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Каримов хайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқлари боқий дўстлиги ҳамда қардошлигининг рамзи сифатида Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган меъморий ёдгорлик очилган эди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Махтумқули кўчасига ташриф буюрди. Президентлар машҳур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Яхлит ансамблга айланган бу хиёбон Гурбангули Бердимухамедовга катта таассурот қолдирди. Туркман халқи, адабиёти ва маданиятига қўрсатилаётган хурмат-эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи шарафига Махтумқули кўчасида «Ашхобод сайлгохи» барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайлгохнинг очилиш маросимида катнашдилар.

Президентлар богда яратилган шароитлар билан танишди. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши кўшничлик алоқаларининг рамзи сифатида «Ашхобод сайлгохи»га қўчат ўтказди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

биркорларимиз ҳам иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистон бозорини ўрганиб, ҳамкорлик қилиш истағида келишган. Хусусан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг балиқчилик соҳасида зарур хомашё маҳсулотлари, қадоклаш мосламалари, янги технологиялар ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганишни режалаштирганмиз.

Президент Гурбангули Бердимухамедов таклифи билан 2018 йил мамлакатда «Туркменистон — Буюк йипак йўлининг юраги» деган шior билан ўтмоқда. Бунда мамлакатда туризми ривожлантиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Қўрғазмада Туркменистон Туризм давлат қўмитаси вакиллари иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда туризми ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизда ажойиб сайёҳлик манзиллари бор. Каспий соҳилидаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида 200 дан зиёд меҳмонхона, ажойиб дам олиш манзиллари сайёҳлар хизматида, — дейди Туркменистон Туризм давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Ислоом Аезов. — Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида туризми ривожлантиришда узoқ йиллардан буён ҳамкорликда ишлаб келишимиз. Кейинги йилларда бу борада жуда яхши натижаларга эришдик. Бугунги кунда Европа, Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлардан Буюк йипак йўли йўналишида сайёҳатга чиққан сайёҳларнинг Туркменистон орқали Хоразм, Бухоро вилоятидаги қадимий шаҳарларга ҳамда Ўзбекистон орқали Туркменистонга ташрифи амалга ошириб келинмоқда. Бугун бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ишонамиз.

Туркменистон миллий кўргазмаси якунида иқтисодий алоқалар янада ривожланиши, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ўзаро манфаатли келишувларга эришилиши кутилмоқда. Бу жиҳатлар азалий дўст халқларимиз ўртасида меҳр ришталарини тобора мустаҳкамлайди.

Улуғбек АСРОПОВ, ЎЗА мухбири

## Муҳим анжуман бўсағасида



**Сергий ГЛОВАЦКАС,**  
ХМТнинг меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудир:

— Бу менинг ушбу мамлакатга биринчи ташрифим эмас. Биз етарли даражада ҳамкорлик қилиб келаётимиз. Анъанавий давра суҳбатлари, семинар ва тренингларида мунтазам қатнашамиз. Шу билан бирга, таъкидлашим лозимки, мазкур конференция ўзининг қўламини ва катнашчиларнинг сонига кўра тарихий аҳамият касб этмоқда. Анжуманда Марказий Осиё минтақасидаги барча касба уюшма марказлари илк бор иштирок этаётгани эса янада қувонarliдир. Шубҳа йўқки, Тошкент анжумани ўзининг самарали натижалари билан барчамиз учун фойдали бўлади.



**Қосим ҚОДИРИЙ,**  
Тожикистон мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси:

— Биз делегациямиз аъзолари билан Ўзбекистонга автомобильда келдик. Биласизми, икки давлат чегарасида одамлар гавжум, уларнинг юзидаги миннатдорликни кўрмаслик мумкин эмас. Қарийб чорак асрдан буён масофа нукта назаридан ёнма-ён яшаб келган бўлса-да дийдорлашиб имконидан маҳрум бўлган қариндошлар, ога-инилар учун мамлакатларимиз ўртасидаги инқилобий муносабатлар ўзгариши оламшумул янгилик сифатида қабул қилинмоқда. Ахир бу инсонлар тақдирига дахлдор хурсандчилик. Икки давлат раҳбарлари хоҳиш-иродаси билан қўйилган эзгу қадамлар «икки тилда сўзлашувчи бир халқ»нинг бир-бирига бекиёс меҳрини уйғотганини сўз билан таърифлаш қийин. Ўзбекистонга кириб келар эканмиз, бизни йўللаридаги тизим транспорт оқими чин маънода хайратга солди. Буни халқнинг фаровонлиги белгиси, бир сўз билан айтганда, унинг яхши яшаётганидан бир далolat сифатида баҳолашимиз керак.

Қошқар, бугун Ўзбекистон ва Тожикистон касба уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда ишлаш бўйича Меморандумни имзолаганимиз, ўйлаймизки, муносабатларимизда муҳим қадам, изчил ҳамкорлик йўлида мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон касба уюшмаларининг глобал муаммолар юзасидан ўзига хос мулоқот майдони яратиб, халқаро конференция ташкил этаётгани янада қувонarli. Анжуман ишига улкан муваффақият тилаб қоламиз.



**Марат ТОГЖАНОВ,**  
Қозғоғистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари:

— Ўзбек ва қозoқ халқларини дунёдаги энг яқин қардош элар десам муволажа қилмаган бўлам. Ўзим тарихчи бўлганим учун ҳам бизнинг ўтмишимиз бир-бирига узвий туташиб кетганини алоҳида таъкидлашим керак. Сизларнинг муваффақиятинингизни ўз халқимизнинг ютуғи сифатида баҳолайман. Бугун Ўзбекистон дунёга шиддат билан уйғунлашувини бошлади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган улғувор ва эзгу ғоялар, истиқболли, ҳар икки давлат учун ниҳоятда юксак аҳамиятга эга бўлган ташаббусларни Қозғоғистоннинг ҳар бир фуқароси мамнуният билан қутиб олмоқда. Биз ҳамжиҳатлик тарафдоримиз. Халқаро конференция кун тартибига қўйилган масалалар биз учун ҳам муҳим ва аҳамиятли. Биз унда фаол иштирок этиб, илгари сурилаётган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ниятидамиз.



**Рисгул БАБАЕВА,**  
Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари:

— Биз Ўзбекистоннинг барча йўналишларидаги очик ва прагматик сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, бундан буён изчил ҳамкорлик таклифи этилаётганидан бағоят хурсандимиз. Халқларимиз ўртасидаги азалий яқинлик ҳам бунга ҳамохандир. Айна шунага кўра ҳам Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг яқин кўшни мамлакатлар касба уюшмалари билан ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш ниятида эканлиги бизни беҳад қувонтиради. Чунки биргаликда муҳокама қиладиган, ҳамжиҳатликда ечим излайдиган масалаларимиз оз эмас. Ўйлаймизки, эртага бошланжақ халқаро конференция бу фикрлашувлар учун ўзига хос платформа вазифасини ўтайди.

Ўз мухбирларимиз.

## ТУРКМЕНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ — ИККИ ДАВЛАТ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

41 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон миллий кўргазмаси иштирокчилари ва меҳмонларига кутлов йўллади.

Кўргазманинг очилиш маросимида Президент кутловини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Отажонов ўқиб эшиттирди.

Кутловда Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклар экани, халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничлик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги боғлаб келаётгани, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбилармонлик алоқалари ҳамда худудлараро мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилаётгани таъкидланган.

Туркменистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазир Д.Уромурадov туркменистонлик ишбилармонлар учун Ўзбекистон муҳим савдо-иқтисодий худуд экани, Буюк йипак йўлининг савдо-сотиқ ривожланган манзилида жойлашган мамлакатларимиз тадбиркорлари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб бораётгани эса тенг манфаатли ривожланишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлик муносабатлари янги босқичда мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилаётгани хал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми сезиларли ошди. Турли иқтисодий тармоқларда кооперация алоқалари юксалди. Бундан бир ой олдин Ашхободда Туркменистон Президентининг бевоисита қўллаб-қувватлаши билан ўтказилган Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ва унда эришилган кўп қиррალი келишув битимлари фикримиз далилидир.

Туркменистон миллий кўргазмасида нефть ва кимё, тўқи-



маччилик, тиббиёт саноати, кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш моллари, транспорт ва логистика, спорт ва туризм, илмий-техника, таълим соҳасидаги ютуқлар, хизматлар намойиш этилмоқда. Туркман гиламлари, касана-чилик, балиқчилик саноати, дунёга машҳур ахалтекин отлари наслчилиги талқинотлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Туркменистонда балиқчилик саноати ривожланишининг асосий манбаи Каспий денгизи ҳисобланади. Бугун мамлакат сув ҳавзаларида балиқнинг 50 дан ортиқ турини учратиш мумкин.

— Туркменистонда балиқ ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Тадбиркорларимиз балиқ ва балиқ маҳсулотларини кўшни республикаларга экспорт қилади, — дейди Туркменистон Балиқ саноати давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Гаийр Гаийпов. — Кўргазмада хусусий тад-

биркорларимиз ҳам иштирок этмоқда. Улар Ўзбекистон бозорини ўрганиб, ҳамкорлик қилиш истағида келишган. Хусусан, ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг балиқчилик соҳасида зарур хомашё маҳсулотлари, қадоклаш мосламалари, янги технологиялар ишлаб чиқариш тажрибасини ўрганишни режалаштирганмиз.

Президент Гурбангули Бердимухамедов таклифи билан 2018 йил мамлакатда «Туркменистон — Буюк йипак йўлининг юраги» деган шior билан ўтмоқда. Бунда мамлакатда туризми ривожлантиришга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Қўрғазмада Туркменистон Туризм давлат қўмитаси вакиллари иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда туризми ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бизда ажойиб сайёҳлик манзиллари бор. Каспий соҳилидаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида 200 дан зиёд меҳмонхона, ажойиб дам олиш манзиллари сайёҳлар хизматида, — дейди Туркменистон Туризм давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Ислоом Аезов. — Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасида туризми ривожлантиришда узoқ йиллардан буён ҳамкорликда ишлаб келишимиз. Кейинги йилларда бу борада жуда яхши натижаларга эришдик. Бугунги кунда Европа, Шарқий Осиё ва бошқа мамлакатлардан Буюк йипак йўли йўналишида сайёҳатга чиққан сайёҳларнинг Туркменистон орқали Хоразм, Бухоро вилоятидаги қадимий шаҳарларга ҳамда Ўзбекистон орқали Туркменистонга ташрифи амалга ошириб келинмоқда. Бугун бу борадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга ишонамиз.

Туркменистон миллий кўргазмаси якунида иқтисодий алоқалар янада ривожланиши, икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида ўзаро манфаатли келишувларга эришилиши кутилмоқда. Бу жиҳатлар азалий дўст халқларимиз ўртасида меҳр ришталарини тобора мустаҳкамлайди.

Улуғбек АСРОПОВ, ЎЗА мухбири

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ — меҳнаткашларнинг ҳамкори ва таянчи

## Долзарб мавзу

Фермер — давр одами. Бугун унинг зиммасидаги масъулиятни унча-мунча касб эгалариникига менгаз бўлмайди. Мулк соҳиблари нафақат замин, балки ўз атрофидаги кишилар тақдирига ҳам жавобгар. Ҳўш, фермерларимиз ўз даласида меҳнат қилаётганларга қай даражада шарт-шароит яратиб беришаётир? Дала ишчисининг эртанги кундан кўнгли тўқми? Қуйида ана шулар хусусида мулоҳаза юритамиз.

### ҚУРБОНОВНИ ЎРТАГАН «ДАРД»

Мамарасул Курбонов Агротехнология мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Оқдарё туман кенгаши раислигига сайланганда бунақа бўлади деб ўйламаганди. Тармоқ ташвишлари кўш дипломли мутахассис ақлини ҳам шошириб қўйди. Бу фермер деганлари, жайдари қилиб айтганда, арслон юрак одамлар бўларкан. Бир-иккитасининг кўнглига қўл солиб кўрди. Дами анча баланд.

— Пул жигардан бўлади, аса, — деди Давлатбой дегани. — Биз одамларни «мулкдорнинг»га ишлатаймиз. Шунинг учун ортиқча галгага бошимизни тикиб, балога қолиш ниётимиз йўқ.

Аммо туманда фермер хўжаликлари шаклланиб улгурган бўлса-да, у ерда меҳнат қилаётганлар манфаати химояси назоратдан четда қолишига томошабин бўлиб туриш инсофдонликми? Фермерлар орасида биргина Исрофил Мамарасуловгина тармоқ раисининг гапларини диққат билан тинглади. У бошчилигидаги хўжалик биринчилардан бўлиб касабаси уюшма аъзоллигини қабул қилди. Фермер ташаббуси билан далада ишловчиларга намунали шарт-шароит яратилди. Ходимлар дам олиши ташкил этилди. Қарангчи, ташаббус тезда қанот ёзди.

Тармоқ кенгаши раиси Исрофил Мамарасуловдаги ташкилотчилик, одамларни ўз ортидан эргаштири билан қобилиятини сезиб, ич-ичидан қувонди.

— Гап моддий манфаатдорликда эмас, — деди Исрофил Мамарасулов раис мулоҳазаларини эшитган. — Мен жамоат ташкилотини мақсад ва вазифаларини яхши англайман. Далада ишлашнинг ўзи эмас, албатта. Етарлича шарт-шароит яратиб бермасак, уят бўлар.

Шундай қилиб, таркибга кирувчи фермерлар бошини қовуштирадиган туман фермер хўжаликлари ва тадбиркорлари бошлангич касабаси уюшма ташкилотига аъзо бўлиди. Илк йилида унга Исрофил Мамарасулов раҳбар этиб

сайланди. Саккиз йил мобайнида ташкилот фаолияти анчайин ривож топди. Бошлангич ташкилотнинг ташаббускор раиси фермерлар ва тадбиркорлар жамоаларида меҳнат муносабат-

лари устуворлигини таъминлаш, ходимларга иш ва дам олиш шарт-шароити яратиш учун бор имкониятдан фойдаланаётди. — Фаолиятимизнинг дастлабки даврида 12 та фермер хўжаликларидан эллика яқин ишловчилар сафимизга қўшилганди, — дейди Исрофил Мамарасулов. — Айни чоғда 900 дан ортиқ фермер хўжалигида меҳнат қилувчи 12 минг нафардан ортиқ ишчилар касабаси уюшма аъзоларидир. Дала меҳнаткашлари жамоа шартномасида кўзда тутилган барча афзалликлардан баҳраманд бўлишаётир. Энг муҳими, фермерларимиз ходимларга ижтимоий шериклик асосида қатор имтиёزلар яратиб беришга интилишаётир.

Биргина ўтган йилда фермер хўжаликларида ишловчи 70 киши мамлакатимиздаги турли сихаттоҳларда соғломлаштирилди. Дала ишчиларининг қоздан ортиқ фарзандлари имтиёзли йўллана билан ёзи оромгоҳларда мароқли дам олди.

— Тармоқ кенгаши, бошлангич ташкилотимиз ердими бўлиб сихаттоҳда бепул дам олиб кайтдим, — дейди «Оқдарё раҳмат баракаси»

фермер хўжалиги вакили Кимё Жўраева. — Барча хўжаликларида ишловчи аёллар бир қатор имтиёزلардан фойдаланиб келмоқда. Касабаси уюшмалари сай-харақати билан хотин-кизлар оғир юмушлардан озод этилган. Соғломлаштиришда ҳам уларга эътибор бошқача.

Ха, Оқдарёда нисбатан мураккаб бўлган тармоқ ходимлари бошини қовуштиришда фермер хўжаликлари ва тадбиркорлар бошлангич касабаси уюшма ташкилотини хизматлари қатта. Дала меҳнаткашлари меҳнат қонунчилигида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиб келишаётир.

матни расмийлаштириш, ҳуқуқ, ҳаммаси мутахассислар қўлига топширилган. Аммо одамлар тақдирини-чи?

Қўлига қалам олиб кўнглида кечган барча ўйлари қогозга туширди. Хат кўтариб касабаси уюшмаларига борди. Жамоат ташкилотидидаги мулоқотдан сўнг фермернинг елкасидан тоғ ағдарилди. Йўқотган нарсасини топган одамдек сунди. Ҳуллас, ўзaro келишувга мувофиқ ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини фермер хўжалигига бориб иш шарт-шароити хавфсизлиги билан таъинладиган, муносиб меҳнат шарт-шароити ярати-

енг шимариб киришди.


— Хўжалигимизга касабаси уюшмалари вакилининг ташрифидан беҳад мамнун бўлдик, — дейди фермер хўжалиги ишчиси Қобил Зокиров. — Жамоат ташкилотининг серкирра фаолиятини хабар топдик. Манфаатларимиз химоячиси ҳисобланмиш касабаси уюшмалари сафига аъзо бўлишни дилчимизга тукканмиз. Бунга раҳбаримиз ҳам жуда хайрихоҳ. Яқин кунларда ўз хошимиз билан касабаси уюшма аъзоллигини қабул қилмоқчимиз.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Самарқанд вилоятида 20 397 та фермер хўжаликларида ишловчи 171 минг 699 нафар ходим касабаси уюшмалари аъзоси саналди. Агротехнология мажмуи Оқдарё ва Пастдарғом туманларида фермер хўжаликларининг бирлашган бошлангич касабаси уюшма ташкилотлари фаолият қўрсатиб келмоқда. Кўриб гувоҳи бўлдик, бу ерларда фермер ва тадбиркорлар ҳамкорлигини таъминлаш бўлими фермерлар билан хамкорликдан тўлалигича қониқиб қолганини кўришга эрта.

Мисолларга ўтамиз. Жомбой туманидаги «Замин ер ҳосили» фермер хўжалигида уч киши, Булунгур туманидаги «Аббосхон, Алибек нур» фермер хўжалигида уч кишидан иборат бошлангич ташкилотлар рўйхатдан ўтган. Бундайлар вилоят бўйича юзлаб десак ҳам хато бўлмайди. Энг ачинарлиси, аксарият туманларда хали-хануз фермерлар бошини қовуштири оладиган қучли бошлангич ташкилотга асос солинганча йўқ. Энди бир ўйлаб кўринг, уч кишидан иборат бошлангичнинг жамланма маблағи миқдори чўғи қанча бўлади ўзи? Бундан ходим қанчалик манфаат қўриши мумкин?

Назаримизда, АСМ тизимида бошлангичларини шакллантиришнинг мақбул, самарали тизими хусусида жиддийроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Бу борада Оқдарё, Пастдарғом тажрибаси асосидаги шубҳа йўқ.



Нуриддин ШАМШИЕВ «Ishonch»

## Ходимлар ҳуқуқи

Жорий йилнинг 1 март кунда «Навий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига қарашли 5-контракт бўшқармаси 2-участка оператори Зариф Бобоев иш жойида меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Фўқаро З. Бобоев бошқарма раҳбарияти ва комбинатга қарашли 6-сонли бирлашган касабаси уюшмаси раиси Э. Исмаиловдан ишда қўлдор бўлишга амалий кўмак сўраб тақдим этган ариза белгиланган муддат ичида кўриб чиқилиб, ходимнинг меҳнат шартномаси қайта тикланди ва унга яна бир имкон берилди.

## Ходим ишга тикланди

Бу каби хайрли ишлар туфайли ходимларнинг касабаси уюшмаларига нисбатан ишонч ортиб бормоқда. Шу ўринда қайд этгани жоизки, 2016 йил 28 ноябрдаги «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қанчалик таъминоти» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқларини химоя қилишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қонун ижроси доирасида Навий вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари томонидан мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ва давра суҳбатлари ўтказилаётгани «Ўз самарасини» бераётди. Майнинг қилишларига, бирлашмага ўтган йилда меҳнат шартномасининг бекор қилиниши бўйича 3 та даъво аризаси келиб тушган. Улар қонун доирасида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида меҳнат муносабатларининг бузилиши бўйича 40 нафардан ортиқ иш берувчига тақдирномалар киритилган.

Жорий йилнинг биринчи чоракда 9 та шундай даъво аризаси қабул қилинган бўлса, айни дамда уларнинг 6 таси ижобий ҳал этилди. Жумладан, ходимлар ишга қайта тикланиб, уларга моддий ва маънавий зарар ҳамда бекор туриб қолган вақт учун иш хақи ундириб берилди.

**Ж. ШАРОПОВ,** Халқ депутатлари Навий вилоят Кенгаши депутати

# Муносабатда мутаносиблик бўлсин

### ФЕРМЕР КАСАБА УЮШМАНИ ИЗЛАБ КЕЛДИ

...Элим деб, юртим деб ёниб яшаш, шунчаки фалсафа эмас. Бу ақидани юракка жойлашган қўл. Пайриқлик Шўҳрат Фозилон ана шундай фидойилардан бири. Қай жихатдан олиб қараманг, у тадбиркор фермер. Юрак даъвати билан ер олиб фермер бўлди. Кейинчалик чорвақилини ҳам ривожлантирди. Жониворлар бош сонини кўпайтирди. Қараса, маҳсулот мўл. Сўт-қатқини қайта ишлашни йўлга қўйди. Даромад янада ошди. Атрофида унга тиргак бўлган одамлар кўпайди. Бундоқ ўйлаб қараса, ходимлари сонини ҳам эллик кишига етиб қолди.

Ходимларнинг бир қисми далада, бир қисми чорвада, бир қисми қайта ишлаш целида меҳнат қилаётди. Уларга лавозим маоши жорий этди. Ўзи билганича рағбатлантиришни жойига қўйди. Дам олиш шарт-шароити яратди. Барибир, кўнгли тўлмади. Кенгайиб, ривожланиб бораётган хўжалигида нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Ахир, шунча одамнинг тақдирини унинг бир ўзи масъул. Етиштираётган маҳсулотни сотиш, даро-

лиши юзасидан ходимлар билан суҳбат ўтказадиган бўлди.

— Кўптармоқли фермер хўжалигида бўлиб ўтган мулоқотда барча ходимлар фаол иштирок этди, — дейди Самарқанд вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Усмон Каримов. — Иш берувчи ходимлар учун барча шарт-шароит яратиб беришга шай. Хавфсиз иш ўрни яратилиши, ходимлар меҳнати тўла қаноатли бўлишини жуда ҳам хоҳлайди. Биз уларга бу борада қонунда талаб этиладиган меъёрларни тушунтириб бердик.

Сўт маҳсулотларини қайта ишлаш цели бошлиғи Гуландом Шукуровнинг эътирофи этишчи, бу ерда иш жараёни асосан техникани қай даражада мукамал бошқаришга боғлиқ. Касабаси уюшмалари мутахассиси тавсияси асосида. Иш жараёнида хавфсизлик қоидаларига қай тарика амал қилишнинг йўл-йўриқлари ўргатилди. Хавфсизликка доир ҳўжжатлар шакллантирилди. Хўжалик раҳбари бу жараёни тўлиқ молиялаштириш, қонунда белгиланган шарт-шароит яратишга

## Ижтимоий шериклик

Тадбиркорликда пешқадам бўлиш, ислохотлар билан ҳамоҳанг фаолият юритиш ҳаммининг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, астойдил ҳаракат, машаққатли меҳнат, шу билан бирга, таваққалчилик талаб этилади.

## Ҳам элни, ҳам табиатни ўйлаган тадбиркор

Бухоронинг шундай забардаст тадбиркорларидан бири Насриддин Рашидов раҳбарлигидаги «Аҳолитранс» масъулияти чекланган жамияти ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ҳам атроф-муҳит тозаланишига сақлашда барчага ибрат бўлаётди. Мазкур корхона таркибиде ҳозирда 5,5 млрд. сўмлик чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводи қурилди, ёрдამчи бинолар капитал таъмирланди. Чиқиндиларни саралаш бўйича иккинчи линияси резина ва яроксиз автомашина шиналаридан муқобил ёқилги, шох-шаббалар, ҳазонлар ҳамда ёғоч тахта чиқиндиларидан брикет (кўмир), қозонни қайта ишлаш, ПЭТ қандоқлардан синтетон (тола), қурилиш чиқиндиларидан қурилиш блоклари (шлакоблок) ва ёғишлар ишлаб чиқариш учун ускуналар харид қилиниб, ўрнатилди.

Аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ҳосил бўладиган қаттиқ манший чиқиндиларини ўз вақтида тегишли жойларга чиқариш учун 68 та махсус автомашина сотиб олинди, бугунги кунда 100 нафар ходим иш билан таъминланди. Шунингдек, жорий йил якунига қадар ишчилар сонини 1000 нафарга еткази-

зиш режалаштирилган. Таъкидлаш жоизки, жорий йил 16-17 февраль кунлари Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи давомида ушбу корхона фаолияти билан танишиб, ўз тавсияларини бериши жамоага истиқболли лойиҳаларини амалга оширишда қатта туртки бўлди.

Яна бир муҳим жиҳат, «Аҳолитранс» МЧЖ ходимлари ўртасида аъзолик афзалликларини тарғиботи натижасида корхона ходимлари касабаси уюшмасига аъзо қилиниб, бошлангич ташкилот тузилди. Иш берувчи ва жамоа ўртасида 2018 — 2020 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси ходимларга муносиб меҳнат шарт-шароитини яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини химоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий шериклик асосида меҳнат муносабатларининг йўлга қўйилиши корхонада улкан ютуқларга эришишда асосий омил бўлиши шубҳасиз.

**Ғайрат РАУПОВ,** Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



## Туризм

# Ватан бўйлаб саёҳат

Наманган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмини ривожлантириш дастури доирасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳат ташкил этилмоқда. Апрель ойининг дастлабки ўн кунлигида 300 нафар ходим шундай имкониятдан фойдаланди. Мамлакатимизда сайёҳлик соҳасининг ривожланаётгани, бу борадаги қулайликлар ту-

файли саёҳатга иштиёқмандлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса ички туризм дастури доирасида Ватанимиз бўйлаб саёҳат линияларини белгилаш, мазкур маршрутлар бўйича эсда қоларли зиёратлар ташкил этиш ишларини давом эттиришни тақозо қилмоқда.

**Қосимжон ХОЛБОВЕВ,** Наманган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирини

## Нодавлат сектор

Мамлакатимизнинг қай ҳудудига борманг, улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ушбу жараён қурилиш-таъмирлаш корхоналарида минглаб доимий ва мавсумий ишчилар туфайли мазмун-моҳият касб этади. Айнан шунинг учун ҳам ишловчиларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий химояси, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси талаблари, қўлай иш ва ашаш шарт-шароити, бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида белгиланган чора-тадбирлар ижроси, шубҳасиз, бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига қиради.


# Манфаатлар уйғунлигига не етсин!

Қашқадарё вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Боймурод Мейлиев бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Вилоятда тармоқ тизимидаги нодавлат секторини касабаси уюшмасига жалб қилиш изчиллик билан олиб борилаётгани самараси ўлароқ 897 та транспорт ва қурилиш соҳасидаги нодавлат ташкилотларда касабаси уюшма ташкилотини тузилди. Жумладан, «Дронго темир-бетон сервис», «Қашқадарё қурилиш лойиҳа сервис», «Қоратепа метан», «Қамаш ишлаб чиқариш», «Намуна қурилиш монтаж дизайн сервис» каби масъулияти чекланган жамиятларида касабаси уюшмалари фаолияти бўйича ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Уларда жамоа шартномаси тузилиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий химояси таъминлаб келинмоқда. Йил давомида бошлангич ташкилотлар ташаббуси билан маданий-маърифий,

спорт-соғломлаштириш тадбирлари, ижтимоий химояга муҳтож ходимларга моддий кўмак, касабаси уюшма фаолларини рағбатлантириш ишлари изчил олиб борилаётди. Бу эса меҳнаткашларнинг муносиб меҳнат қилишга ундамоқда.

Шу билан бирга, тизимга мансуб айрим нодавлат ташкилотларда касабаси уюшма ташкилотини тузиш ва бу орқали ходимлар химоясини таъминлашга эътибор етарли даражада эмас. Хусусан, «Қашқадарё темирйўл қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси» МЧЖда касабаси уюшма ташкилотини тузиш бўйича олиб борилган тарғибот ва тушунтиришларга қарамай, жамият раҳбари Ғайрат Азимовнинг муносабатига ўзгариш юз бермади. Шундай ҳолатга «Насаф ихти-



сослаштирилган махсус қурилиш» МЧЖда ҳам дуч келиди. Жамият раиси Эркин Қўлмуродов касабаси уюшма ташкилотини тузилишига қарши эканлигини билдирди.

Яна бир салбий ҳолатга эътибор қаратмасликнинг сира иложи йўқ. Қатор нодавлат секторини корхоналари борки, уларда касабаси уюшма ташкилотини тузилган бўлса-да, аъзолик бадаллари тўланмасдан келинаётгани

боис ходимларнинг турли имтиёزلардан фойдаланишига эришилмаяпти. «Бинокор-дизайнқурилиш» МЧЖ, «Спартак» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, «Пахлавон» хусусий фирмаси, «Сухроб Сардор» МЧЖ каби корхоналар маъмурияти ва касабаси уюшма кўмитаси аъзолик бадалларини тўлашга эътиборсизлик билан қарашаяпти.

Биз касабаси уюшма ташкилотини фаолияти йўлга қўйилмаган «Нефтгазсавинишоотқурилиш» хусусий корхонаси ишчиси Фахриддин Сафаровни суҳбатга тортидик.

— Корхонада қанча вақтдан бери ишлайсиз?

— Уч йил бўлди.

— Вазифангиз нималардан иборат? Маошингизни вақтида оласизми?

— Ҳар хил ишларни бажариб юраман. 600 минг сўм маош оламан. Маошимни пластик қарточкага тушириб беришди.

— Шу вақт давомида корхона раҳбарлари ёки касабаси уюшма кўмитаси сизга санаторийда дам олиш, саёҳатларга чиқиш бўйича имтиёزلардан фойдаланиш имконини бердими?

— Саёҳатлар дейсизми, яхши бўларди...

Нима бўлганда ҳам инсон тақдирини манфаатлари устувор бўлган, меҳнат учун етарлича шарт-шароит яратиб берилган жойдаги ишга бўлган муносабат ўзгариб, иш унумдорлиги ошишини асло унутмаслик керак.

**Акмал АБДИЕВ,** «Ishonch» муҳбири

